

Руҳий тажрибалар



14:17 / 13.03.2024 2903

Хатиб Бағдодийнинг «Тариху Бағдод» китобида келади:

«Иброҳим ибн Рустамнинг таржимаи ҳолида қуйидагилар ёзилган:

«Иброҳим ибн Рустам аслида Кирмон аҳлидандир. Сўнгра Марвдаги тери ошловчилар маҳалласига кўчиб борди. Иброҳим ўша ерда ўзининг фақиҳ шогирдлари билан ўтирганида унинг ҳузурига халифанинг вазири келиб қолди. Иброҳим ўрнидан турмади. **Шунда Ишқоб:**

– Таажжуб! Халифанинг вазири келади-ю, сен мана бу тери ошловчилари туфайли ўрнингдан турмайсан! – деди.

Шунда Иброҳимнинг шогирдларидан бири:

– Биз диннинг ошловчиларимиз. Биз Иброҳим ибн Рустамни шу даражага олиб чиқдик. Ҳатто унинг ҳузурига халифанинг вазири ҳам келадиган бўлди! – деб жавоб қайтарди».

Чўққига етиб борсанг сени қўлингдан тутганларни унутма. Сенга бир ҳарф ёки бир калима ўргатган кишидан, сенга холис насиҳат қилганлардан, сенга яхшилик қилганлардан, сенинг хатоларингни кечирганлар олдида ўзингни доим қарздор ҳисобла.

Сенга қўлингдан тутиб ёзишни ўргатган устозингни, мунис онангни унутма.

Сенга қалам ва дафтар олиб бериш учун ўзини қийнаб ишлаган отангни унутма.

Умр сафарида сенга ҳамроҳ бўлган ака-укаларингни, опа-сингилларингни унутма.

Қийналганигда ёнингда таянч бўлган умр йўлдошингни унутма.

Деъбул Ҳузоъийнинг гапини унутма:

«Яхшиликнинг энг яхшиси сенга хафалик пайтингда суянч бўлганларга хурсандлик пайтингда таянч бўлишингдир. Олийжаноб инсонлар оддий кулбаларда яшаган пайтларидаги улфатларини унутишмайди!»

Абдулқодир Полвонов
«Ҳилол» журналининг 9(54) сонидан